

Ўзбекистон Республикаси номидан

Ҳ У Қ М

2026 йил март ойининг 02 кунини жинойт ишлари бўйича Бешариқ туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида, Раислик қилувчи: судья О.Хасанов, М.Абдуллаеванинг котиблигида, давлат айбловчиси Бешариқ туман прокурори катта ёрдамчиси А.Абдураззоқов, судланувчи М.Тошматов ва унинг ҳимоячиси О.Мўминовларнинг иштирокида, Тошматов Мухиддин Очиловични айблов ҳақидаги 1-1506-2601/22-сонли жинойт ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Тошматов Мухиддин Очилович (Toshmatov Muxiddin Ochilovich), 1970 йил 04 майда Бешариқ туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Бешариқ тумани, “Юқори Зарқайнар” м.ф.й., Боғи-бўстон кўчаси, 12-уйда яшайди, эҳтиёт чораси сифатида муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 14.01.2026 йилда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд иш бўйича тўпланган далилларни текшириб, атрофлича муҳокама қилиб, судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувини эшитиб, прокурор ва ҳимоячининг музокара, судланувчининг музокара ва охириги сўзларини тинглаб қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи М.Тошматов 2025 йил 10 сентябрь кунига қадар Бешариқ тумани, “Юқори Зарқайнар” МФЙ, Боғи-бўстон кўчасида жойлашган яшаш хонадонидан таркибидан гиёҳвандлик моддаси бўлган кўп миқдордаги, соф оғирлиги 207,16 грамм бўлган “марихуана” гиёҳвандлик моддасини қонунга хилоф равишда сақлаб келгани аниқланди.

Суд-кимёвий экспертизасининг 2025 йил 12 сентябрдаги 4968-сонли хулосасида, М.Тошматовнинг яшаш хонадонидан олиналган сарғиш-кўк рангли, ўзига хос бадбўй хидли, қовурилган ёки ёғ билан аралаштирилган ўсимлик моддалари таркибидан гиёҳванд тетрагидроканнабинол моддаси мавжуд бўлиб, бу ўсимлик моддалари ёғда қовурилган “марихуана” деб аталиши, соф оғирлиги 207,16 грамм экани кўрсатилган.



Судланувчи М.Тошматов судда, айбига тўлиқ иқроор бўлиб, у 2025 йил август ойи ўрталарида Бешариқ тумани, Қуйи Зарқайнар м.ф.й. худудидан оқиб ўтувчи канал (зовур) четида ёввойи наша ўсимлиги ўсиб турганини кўриб, ушбу гиёхвандлик ўсимлиги барг ва ғунчаларидан териб олиб яшаш хонадонига ташиб келиб, ушбу гиёхвандлик ўсимликни ёғ ва асал қўшиб қовургани, у тайёр бўлган аралашмани келгусида ўзи истеъмол қилиш учун оғилхона девордаги пакетган солиб қўйгани, 2025 йил 10 сентябрь куни соат тонги соат 06:00 ларда унинг яшаш хонадонига туман ИИБ ходимлари келиб, яшаш хонадонини кўздан кечиришни айтиб, холислар иштирокида яшаш хонадонни кўздан кечиргани, текширишда хонадони оғилхонасидаги деворга илинган пакетда қовурилган ёввойи наша ўсимлик аралашмаси борлиги аниқлангани ва текшириб кўриш учун далилий ашё тариқасида олингани, у ушбу гиёхвандлик моддасини ўзи истеъмол қилиш учун тайёрлаб қўйган бўлгани, ушбу гиёхвандлик моддасини бирор кишига сотиш ёки ўтказиш нияти бўлмаганини, ҳозирда у содир этган жиноий қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, шахсини, муқаддам судланмагани, турмуш ўртоғи вафот этганини айтиб, қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатма берди.

Гувоҳ Л.Ғойибназаров судда, у 2025 йил 10 сентябрь куни соат 06:00 ларда ИИБ ходимларининг таклифига кўра қўшниси Тошматов Мухиддинни яшаш хонадонини кўздан кечириш жараёнида қўшниси Йигиталиев Бекмурод билан бирга холис сифатида иштирок этгани, текширишда М.Йигиталиев яшаш хонадони оғилхонасида деворга илинган ҳолатда турган пакет ичидан сарғиш-кўк рангли, ўткир хидли гиёхвандлик ўсимликлар аралашмаси сақлаб келинаётгани аниқлангани, ходимлар М.Тошматовдан ушбу қоришма нима экани сўралганида чорва моли учун дори тайёрлаб қўйганини айтгани, шундан сўнг ИИБ ходимлари ушбу қоришмани текшириб кўриш учун далилий ашё тариқасида олгани ва тегишли ҳужжатлар расмийлаштирганини билдирди.

Гувоҳ Ж.Очилов судда, судланувчи М.Тошматов унинг дадаси эканини, 2025 йил 10 сентябрь тонги соат 06:00 ларда у яшаш хонадонига дам олиб ётганида дадаси М.Тошматов уни уйғотиб уйга ИИБ ходимлари келганини айтгани, ИИБ ходимлар уларга ўзларини таништириб, хонадонига ноқонуний нарса-буюм сақлаб келинаётган бўлса ўз ихтиёри билан тақдим этиш сўралганида хонадонига ноқонуни нарса-буюм йўқлигини айтгани, шундан сўнг икки нафар холислар иштирокида хонадонни кўздан кечириш бошлангани, кўздан кечириш давомида унинг оғилхонаси текширилганида оғилхона деворига осиглиқ турган пакетни ичида сарғиш-кўк рангли, қовурилган ёввойи наша ўсимлиги аралашмаси борлиги аниқлангани, ИИБ ходимлари ушбу аралашма кимга тегишли эканини сўраганида дадаси М.Тошматов ушбу модда унга тегишли эканини айтганини билдирди.

Судланувчи М.Тошматовнинг жиноий қилмиши унинг айбига тўлиқ иқроор бўлиб берган кўрсатмасидан ташқари, гувоҳ Л.Ғойибназаров ва Ж.Очиловларнинг юқорида қайд этилган суддаги кўрсатуви, шунингдек, ишдаги билдирги, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси



ва фотосуратлар (и.в.5,12-19), далилий ашёни тортиб олиш баённомаси, суд-кимёвий экспертизасининг 2025 йил 12 сентябрдаги 496-сонли хулосаси (и.в.24-26), 5105-сонли квитанция, суд-наркалогия экспертизасининг 2025 йил 26 декабрдаги 741-сонли, М.Тошматов гиёҳвандлик касаллиги билан касалланмагани ҳақидаги хулосаси (и.в.46), ишга алоқадор шахсларни сўроқ баённомалари ҳамда бошқа объектив далиллар билан ҳам ўз тасдиғини топди.

Судланувчи М.Тошматовнинг жиноий қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кунги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” ги Қарорининг 5-бандида “Судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари керак” деб тушунтириш берилган.

Суд, юқоридагиларга амал қилиб, судланувчи М.Тошматовга жазо тури ва меъёрини тайинлашда, жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб жиноий қилмишига тўлиқ иқрорлиги ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, шахсини, муқаддам судланмаганини, оилавий шароити оғирлигини, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар аниқланмаганини, шунингдек, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилишини инобатга олиб, ЖКнинг махсус қисми моддаси санкцияси доирасида озодликни чеклаш жазоси тайинлашни ҳамда текширишдан қолган 206.16 грамм “марихуана” гиёҳвандлик моддасини йўқ қилишни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра, суд Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468, 471-473-моддалари талаблари асосида

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Тошматов Муҳиддин Очилович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбли деб топилсин.

М.Тошматовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан яшаш жойи ҳисобланган Бешариқ тумани, “Юқори Зарқайнар” м.ф.й., Боғи-бўстон кўчаси, 12-уйини ишлаш вақтидан, шунингдек иш жойигача бориш ва уй-жойига қайтиб келиш учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойидан чиқишни чеклашдан иборат 3 (уч) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

М.Тошматовга маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик каби қўшимча чеклов юклатилсин.

Жазо муддати маҳкум ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.



Жазо ижросини назорат қилиш Бешариқ туман ИИО Пробация гуруҳи инспекцияси зиммасига юклатилсин.

М.Тошматовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси 5-6-қисмлар талаблари тушунтирилсин.

М.Тошматовга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Жиноят иши бўйича ашёвий далил тариқасида олиниб, ДХХ Фарғона вилоят бошқармасининг ашёвий далилларни сақлаш омборида сақланаётган текширишдан қолган 206.16 грамм “марихуана” гиёҳвандлик моддаси йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида шу суд орқали Фарғона вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясига, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг эса кассация инстанциясига шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидир.

Ҳукм нусхаси аслига тўғри

Раислик қилувчи

О.Хасанов

